



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (12.215)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида ўтказилаётган «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» республика танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда ёш тадбиркорларнинг иқтисодий-ижтимоий ва хизмат кўрсатиш йўналишларига оид лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

• Тайлоқ туманидаги «Силк Роуд органик Фруд» шўъба корхонасида кунига беш тонна қурутилган мева ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга, қиймати 500 миллион сўмлик янги лойиҳа амалга оширилди. Натижада қишлоқ ёшларидан 50 нафарининг иш билан бандлиги таъминланди.

• Оқолтин туманида 22 километр масофага қувур тортилиб, Усмон Носир сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудда яшовчи аҳолининг ичимлик суви таъминоти тўқун яшилди. Шу хайрли мақсад учун маҳаллий бюджетдан 426 миллион сўм сарфланди.

• Тадбиркор Арухон Хайитбекова Кегейли тумани марказида болалар кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Жайхун-Кегейли» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Банкнинг 85 миллион сўмлик кредити эвазига амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли 10 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

• Конимех туманидаги Учтепа овулида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. «Кизилқум» насличилик ширкат хўжалиги ҳудудида бунёд этилган янги мажмуа сартарошхона, новвойхона, озик-овқат ва маиший буюмлар дўкони ҳамда 600 ўринли маросимлар залини ўз ичига олади.

ЖАҲОНДА

• Голливуд студиялари ва жаҳон кинематографлари Олимпиада ўйинлари давомида Лондонда фильмларни суратга олиш ишларини тўқтатиши ҳақида хабардор қилинди. Буюк Британия кино комиссияси раҳбари, «Film London» агентлиги директори Эдريان Вуттоннинг сўзларига кўра, «Олимпия – 2012»га ташриф буюрган юз минглаб меҳмон ва журналистлар Лондонда суратга олиш ишларига ҳалақат бериши мумкин.

• Европада тобора чуқурлашаётган иқтисодий бўҳрон туфайли ишсизлар сони ортмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, жорий йилнинг июнь ойида ишсизлик даражаси меҳнатга лаёқатли аҳолининг 11,2 фоизини ташкил этган. Европа статистика агентлиги тарқатган хабарларга кўра, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар орасида ушбу кўрсаткич 10,4 фоизга етган. Улар орасида Испания 24,8 фоизлик ишсизлик даражаси билан биринчи погонани эгаллаб турибди.

• Швециялик экспедиторлар Болтик денгизи тубида 1564 йилда чўкиб кетган «Марс» кемаси атрофида сочилиб ётган 4 мингга қумуш тангаларни топдилар. Қизиғи шундаки, асрлар давомида сув остида ётган бу қимматбаҳо топилма жуда яхши сақланган. Бунинг асосий сабаби Болтик денгизи чуқурликларида кислотадан жуда кам бўлиб, у ерда ҳатто ёғоч ҳам чиримас экан.

• Италиянинг иқтисодий ҳаётида молиявий-иқтисодий инқироз яққол намён бўлмоқда. Молиявий аҳоли ёмонлашган Неапол, Режо-ди-Калабрия, Полермо, Александрия каби шаҳарлар бюджети ҳозир танг ҳолатда. Кўплаб давлат ташкилотларида 20 фоиз иш ўрни қисқартирилиши кутилмоқда. Бундай чора орқали мамлакат 2012-2014 йилларда 28 миллиард евро миқдоридagi маблағни тежашни режалаштирган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигини пойтахтдаги Сергели тумани ҳам катта ютуқлар билан қарши олмақда. Туман саноати барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, янги ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар қурилиши давом этмоқда, айни пайтда улар туман қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Туман аҳолиси, жамоат ташкилотлари вакиллари кўчалар ва турар жой мавзеларини ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда.

Сергели туманида 33 та маҳалла ташкил этилган бўлиб, 159,3 минг киши истиқомат қилади, 5 та поликлиника, 98 та аптека, 26 та умумтаълим мактаби ва 7 та касб-хўна қоллежи фаолият кўрсатади. Йилдан йилга тумanning саноат салоҳияти ошиб бормоқда, иқтисодий кўрсаткичлари ўсмоқда. Айни пайтда йирик корхоналар билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаол иш юритмоқда.

Туманда 2007 йили саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 190,2 млрд. сўмини ташкил этган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 454,8 млрд. сўмга етди, 2011 йил якунларига кўра эса 623,9 млрд. сўмдан иборат бўлди. Сўнгги йиллар давомида экспорт соҳасида ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2008 йилда – 31,5

млн. долл.; 2009 йилда – 36 млн. долл.; 2010 йилда – 81,6 млн. долл.; 2011 йилда эса – 149,4 млн. долл. маҳсулотлар экспорт қилинди.

2012 йил биринчи ярим йиллик якунларига кўра саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 115,2 фоиз, халқ истеъмомли молларини ишлаб чиқариш – 102,3 фоиз, хизмат кўрсатиш – 112,5 фоизга бажарилган.

Худудий маҳаллийлаштириш дастури доирасида тумanning 10 та корхонасида 18 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Саноат секторининг ривожланиши кўшимча иш ўринларини яратиш имконини бермоқда. Жумладан, биринчи ярим йилликда туманда 2974 та янги иш ўринини яратиш режалаштирилган эди, амалда уларнинг сони 3259 тага етди.

Сергели туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Ушбу дастур доирасида йил бошидан буён 165 та янги сервис объектлари бунёд этилган. Жумладан, учта корхона ўзларининг 3,4 млрд. сўмлик маблағлари ҳисобидан янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларини

барпо этди, натижада 67 та янги иш ўринлари яратилди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мунтазам равишда спорт билан шугулланиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида туман бўйича 20 та мини-футбол майдончаларини барпо этиш режалаштирилган. Ҳозирги пайтда учта майдонча фаолият кўрсатмоқда, яна учта майдонча қурилиши якунланши арафасида.

Мустаҳкам оила йилида соғлиқни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда туманда истиқомат қилаётган 14 ёшгача бўлган 17 минг нафардан зиёд болалар тўлиқ тиббий куриқдан ўтказилди. Даволаниши зарур бўлган болалар стационарларга йўналтирилди, соғлом болалар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, Сергели туманида савдо-ҳаракатлар барча соҳаларда ислохотларни ривожлантириш борасидаги вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратилмоқда. Бу ишларда давлат тузилмалари билан бир қаторда маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари фаол иштирок этмоқда.

(Сергели туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Энг улуг, энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини тобора яқинлашиб келмоқда. Мустақил тараққиёт йиллари давомида мамлакатимиз хорижий эллар билан шериклик ва ҳурмат тамойилларига асосланган дўстона алоқаларни ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйгани ҳолда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

«ЎЗБЕКИСТОН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ – КЎПГИНА ДАВЛАТЛАР УЧУН ИБРАТ НАМУНАСИ»

Бугунги кунда хорижий элларнинг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари яқинлашиб келаётган ушбу қутлуғ сана муносабати билан мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатия ваколатхоналарига ўзларининг самимий табрикларини йўлламоқдалар.

АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Европа ва Евроосиё кичик кўмитаси раиси Ден Бёртон АҚШ Конгресси делегацияси аъзоларининг яқинда мамлакатимизга буюрган ташрифи чоғида кўрсатилган меҳмондўстлик учун Ўзбекистон халқига сизидилдан ўзининг миннатдорлигини изҳор этди.

– Мазкур ташриф чоғида делегациямиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда республиканинг бошқа идоралари вакиллари билан учрашиш имкониятига эга бўлди, дейди у. – АҚШ Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдорки, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар бундан кейин ҳам ривожланиб боришига ишончимиз комилдир.

Мен давлатларимиз учун манфаатли бўлган масалалар ҳал этилиши йўлидаги ёндошувлар юзасидан биргаликдаги савдо-ҳаракатларни, жумладан, Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги истиқболлини ижобий баҳолайман.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбларим номидан Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан табриклашни истар эдим.

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Каролин Лемм «Case New Holland», «Sikorsky», «General Electric», «General Motors», «Honeywell», «Lokheed Martin», «Zeppelin» сингари жаҳонга машҳур компания вакиллари ўз ичига олган мазкур палата аъзолари номидан кириб келаётган мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик қутлуғ байрами муносабати билан ўз табрикларини йўлади. Унинг фикрича, Ўзбекистон ёш мамлакат сифатида тарихан қисқа муддат ичида иқтисодий мустақиллик ҳамда сиёсий барқарорликка эришдики, бу кўпгина давлатлар учун ибрат бўла олади.

– Америка – Ўзбекистон савдо палатаси ва унинг аъзолари АҚШ ҳамда Ўзбекистон ўртасида икки томонлама иқтисодий муносабатлар мустаҳкамланиши тамойилларига содиқдир, – дейди К. Лемм. – Биз халқларимиз ўртасидаги савдо ва сармоявий алоқалар янада ривожланишини, маданий алмашувлар ҳамда дўстлик ришталари мустаҳкамланишини қўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комилки, АҚШ ва Ўзбекистоннинг икки томонлама ҳамкорлиги ривожланиб, мустаҳкамланиб боради ва икки мамлакат манфаатлари йўлида янги имкониятларни яратади. Қутлуғ байрам муносабати билан Ўзбекистонга ўзимнинг энг эзгу тилакларимни йўлламан.

«Жаҳон» АА Вашингтон

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Яққасарой туман бўлими томонидан «Тўқимачи» маҳалла гу-

зариди «Яққасарой», «Тўқимачи», «Яққасарой-2» маҳаллалари билан биргаликда «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

✓ **«ПОЙТАХТ»** бизнес марказида «Ҳокимликнинг намунавий ахборот хизматлари: маҳаллий давлат бошқаруви идораларининг очиклиги ва аҳолини ахборот билан таъминлаш механизми» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизими босқичи ўтказилди.



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



СЕРГЕЛИ ТУМАНИ:

РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Ватан — останадан бошланади, дейди доноларимиз. Дарҳақиқат, Ватан — бу оила, Ватан — бу туғилиб ўсган гўша, маҳалла демакдир. Ҳозирда кундан-кунга чирой очиб бораётган маҳаллаларда бўлсангиз дилингизда фахр туйғуси жўш уради. Шундай маҳаллалардан бири Сергели туманида жойлашган Абдурахмон Жомий номли маҳалладир.

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР КЎПАЙМОҚДА

33 та кўп қаватли бино ва 2 та кўчадан ибарат бу маҳаллада 8250 дан зиёд фуқаро истиқомат қилади. «Абдурахмон Жомий маҳалласи» деб ёзилган кўркам арка ва ямшил боғлар оралаб маҳаллани кўздан кечирар эканмиз, янги куриб битказилган болалар майдончаларида кичкинтойларнинг мириқиб ўйнаётганини кўриб кўнглимиз завқшавққа тўлди. Маҳалланинг бошқа бир бурчагида катта майдонда машиналар сақлаш жойи қурилаётганига гувоҳ бўлдик. Маҳалла аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб ишга киришганининг ўзи бирдамлик ва аҳиллик тушунчаларининг миллатимиз қон-қонига нақадар чуқур сингиб кетганига яна бир яққол мисол бўла олади.

Атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш учун ер тағидан сув чиқардик, — дейди маҳалла посбонлар сардори Ботир Каримов. — Ҳаммаёқ чиқиндилардан тозаланди. Буларнинг ҳаммаси уй бошлиқлари ва йўлак бошилар ёрдамида аҳоли билан ҳашарлар уюштирилгани ҳолда амалга оширилди. Қабристонни ободонлаштириш ва у ерда айвон қуришга ҳам ҳомийларимиз, яъни маҳалламизда истиқомат қилаётган фаол тadbirkorларимиз, хусусан, «Муза» МЧЖ, «Шухрат-Дилшод» фирмаси хусусий тadbirkorлари яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Маҳалламизнинг кириш қисмида қад ростлаган арка Сергели тумани давлат солиқ инспекциясини ҳомийлигида ва маҳалла фуқароларининг саъй-ҳаракатлари билан барпо этилди.

Болалар майдончаларини қуриш ва аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун дам олиш майдончаларини ободонлаштириш, Мустақиллик байрамига болалар учун мактаб ўқув қуроллари ва дарсликлар тақдим этиш ҳамда байрам тadbirkorларини уюштириш маҳалла фаолларининг галдаги режаларига киритилган. Маҳалла гузари ҳам қайта реконструкция қилинмоқда. Шунингдек, вояга етмаган ёшлар, вақтинчалик жазони ўташ жойларидан озодликка чиққан фуқароларни назоратга олиб, уларнинг иш билан таъминланганликларини текшириб, суҳбатлар ўтказамиз, керакли ёрдамимизни аямаймиз. Бу хайрли ишларни амалга оширишда ҳомийларимиз ўз ёрдамларини аямаптилар.

Маҳалла фуқаролар йиғини ва фаоллари ташаббуси билан чирой очган «Янги Сергели» маҳалласи ҳам туман кўркига кўрк қўшапти. Маҳалла марказидан оқиб ўтайдиган «Шокирарик» канали тозаланиб, икки четига арчалар экилди ҳамда кўкаламзорлаштирилди. «Бўстон коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ҳамда ҳокимлик ёрдами билан маҳалла кўчаларининг кўрimsиз, экин экилмаган майдонлари чиқиндилардан тозаланиб, тубдан ўзгартирилди. Чиройли фасадлар, иссиқ ҳавода салқинлик берувчи фавворалар бунёд этилди.



• 2012 йил январь-июнь ойларида хизмат кўрсатиш соҳасида жами 212 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

• Жорий йилда тумандаги 7 та касб-ҳунар коллежларининг 2011-2012 ўқув йилидаги 3374 нафар битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлашнинг аниқ чора-тадбири ишлаб чиқилган ва битирувчиларнинг 3291 нафари билан (битирувчиларнинг 97,5 фоизи) 2498 та корхона ўртасида уч томонлама шартнома тузилди ва амалиёт ўташ, кейинчалик ишга қабул қилиш мажбурияти билан мазкур корхоналарга бириктирилди.

• Туманда 2012 йилнинг 1-ярим йиллик яқунлари бўйича ҳудудий дастурга асосан 2974 та янги иш жойлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 3259 та янги иш ўринлари яратилди, маз-

кур кўрсаткич 109,6 фоизга бажарилди.

• 2009-2012 йилларда Сергели туманининг sanoat salohiyatini oshirish, shuningdek, istiqbol-siz korxonalarini tarkibiy o'zgartirish, moliyaviy so'g'omlash-tirish b'uyicha hududiy dasturga muvofig' «Asl oyna» OAJ tomonidan shisha idishlarini ishlab chikarishni kengaytirish uchun k'ushimcha cex tashkil etildi. Ushbu loyiha-ga umumiy k'iyimati 2,5 mlrd. s'umlik investitsiyalar jalb q'linib, iyligiga 50 ming tonna xo-masheni tozalash va qayta ishlash imkoniyati yaratildi.

• «Тошагроинвест» ДУК томонидан Алоқа банкнинг 13,4 миллиард сўм кредити ҳисобига 19 минг

тонналик қувватга тенг бўлган замонавий мева-сабзавотларни сақлаш оғирхонаси ташкил этилди.

• «Хуршида Бону» хусусий корхонаси ўзининг 150 минг АҚШ долларлик маблағлари ҳисобига йиллик қуввати 4,8 минг тоннага тенг бўлган асбоб-ускуналар ўрнатиб, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини модернизация қилган.

• «Charm Attor» МЧЖ ҳам ўзининг 17,5 минг АҚШ долларлик маблағлари ҳисобига терини қайта ишлаш бўйича модернизация ишларини амалга ошириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

• Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,3 фоизга ошиги билан бажарилди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ЮҚОРИ ЧЎҚҚИЛАРНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан буён юртимизда спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимизда уни-ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний жиҳатдан етук ва баркамол бўлиши борасида шарт-шароитлар яратиш, уларда спортга бўлган қизиқишини янада ошириш юзасидан кенг кўламли тadbirkorлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, туманда жойлашган 17-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам Республикамиз бўйича ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларида ўз спортчилари билан қатнашиб, ёш спортчилар юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Сўнгги кўрсаткичларга кўра мактаб тарбияланувчилари жорий йилда ўтказилган турли мусобақаларда 39 та биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Ҳозирда мактаб тарбияланувчиларининг 16 нафари 4 та йўналиш бўйича юртимиз терма жамоаларининг асосий таркибига, 13 нафари эса захирага жалб қилинган. Уларга устозлик қилаётган спорт усталари ўзларидаги бор билим ва кўникмаларни шоғирдларига ўргатиб келмоқдалар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Евгения Ковалёва шулар жумласидандир.

Албатта ушбу спорт мактаби тўғрисида сўз юритганда ундаги қулайликлар тўғрисида тўхталиб ўтмас бўлмайди. Маскан замонавий сув ҳавзасига эга бўлиб, унинг илғор технологиялар билан жиҳозлангани сувнинг доимо тоза сақланишига имкон яратади.

— Спорт мактабимизнинг ташкил топганига 21 йил тўлган бўлиб, дастлаб футбол ва сузмиш спорт турлари бўйича фаолият олиб борган, — дейди 17-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Хайрулло Якубов. — Ҳозирда мактабимизда футбол, сузмиш, эш-каш эшиш ва регби спорт турлари бўйича машғулотлар олиб борилади. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан «Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб сузмиш бўйича мусобақа уюштириш нияти-миз бор.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига оид қарорлари бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Сергели туманида ҳам 4 та оилавий поликлиника ва туман марказий кўптармоқли поликлиникаси 3 та филиали билан, 1-сон шаҳар туғруқ комплекси,

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

2-сон шаҳар клиник шифохонаси, шаҳар тери-таносил диспансери, шаҳар наркологик мажбурий даволаш шифохонаси каби даволаш масканлари фаолият кўрсатади.

Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш йўналиши бўйича 2012 йилнинг 1-чорагида туманда фаолият юритувчи 21 нафар врач ҳамда ҳамширалардан 22 нафари ўз касб малакасини ошириб қай-

тилар. Мутахассислик учун 5 нафар врачни ўқитиш режалаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан туманда МКП ташкил қилинган бўлиб, 2012 йилда 374 нафар ёшлар никоҳгача тиббий

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея халқро ҳамкорлик агентлигининг (KOICA) Тошкент касб-ҳунар ўқув маркази пойтахтимизнинг ҳудудий жиҳатдан йирик туманларидан бири бўлиши Сергелида жойлашган бўлиб, ушбу ўқув масканини ёшларимизни келажақда иш билан таъминлашда кўмак бўлувчи асосий пойдеворлардан бири десак муболаға бўлмайди.

ЎҚУВ МАРКАЗИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ

Кўзни қувонтирадиган, жаҳон андозаларига мос дастгоҳлар билан таъминланган ушбу марказда 360 ўқувчининг тахсил олишига мўлжалланган ва вилоятларимиздан келган ёшларимиз учун ҳам 100 ўринли яшаш жойи мавжуд. Аксарият ёшлар аввал бандликка кўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ҳолда ушбу ўқув марказига йўлланма билан келиб автомобилларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, маши-

насослик каби йўналишларда бепул тахсил олишмоқда. Корея халқро ҳамкорлик агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда Марказ учун керакли барча замонавий ўқув экспериментал макетлар, амалиёт учун автотранспортлар, ўқув хоналари учун махсус мебеллар, компьютерлар ва бошқа керакли барча буюмлар, тех-

никалар билан таъминланди. Ажратилган бегараз грантлар асосида марказ учун умумий қиймати 800 минг АҚШ долларлик ўқув-лаборатория дастгоҳлари ва моддий ресурслар Ўзбекистонга келтирилди.

Ўқувчиларга пухта билим беришлари учун 10 нафар юқори малакали ўқитувчилар Кореяда махсус ўқув курсларида малака ошириб қайтишди ва Кореядан ҳам малакали мутахассислар келиб ўқув ишларини олиб бормоқдалар.

Ўқув маркази бугунга қадар «Узавтосаноат», «Узел-техсаноат», «Узтелеком», «Тошшаҳарйўловчигранс», «Тошавтотеххизмат», «GM Uzbekistan», «Самавто», «Агрегат заводи», «Чирчик мотор заводи», «Самарқандлифт», «Узагрошассервис» ва бошқа шу каби йирик ташкилотларга таъмирловчи ва автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлаб келмоқда.

қўриқдан ўтказилди. Уларнинг айримларидаги мавжуд касалликлар ўз вақтида аниқланиб, шахримиз диспансерларига даволаниши учун ўз вақтида юборилди.

Оилада тиббий маданият даражасини янада ошириш ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш мақсадида туман аҳолиси орасида ёш болаликдан соғлом турмуш тарзини, тўғри овқatlanishi ва жисмоний фаолиликни, зарарли одатларга ружу қилмасликни, чекишга ҳамда ичкиликбозликка қарши курашни кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида туманда жорий йилнинг ўтган биринчи ярми давомида жами 310 та маъруза, 1467 та суҳбатлар, 15 та савол-жавоб кечалари ўтказилди.

Мана, болажонларимизнинг ёзги таътил кунлари тугашига ҳам бир ой қолди. Ўз-ўзидан мактабга тайёргарлик кўриш, ўқув йилида керак бўладиган кийим-кечаклар, ўқув-ёзув қуролларини харид қилиш масаласи юзага келади. Хўш, бу борада мутасаддилар томонидан аҳолига қандай қулайликлар яратилади? Мактаб ўқувчилари қандай кийим ва дарсликлар сотиб олишлари керак?

«МАКТАБ БОЗОРЛАРИ»ДА БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЁ

— 2012-2013 ўқув йилида ҳар бир умумий ўрта таълим мактаби ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 7 июндаги «Умумий ўрта таълим мактабларининг ички тартиб-қоидаларини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига асосан ота-оналар кўмитаси ва кенг жамоатчилик фикрига таянган ҳолда ўқувчилар формасини жорий этишни режалаштирди. Унда айнан ўқувчининг кийиниши масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Болаларнинг бир хил мактаб кийимида юриши, авваломбор, улар ўртасида ижтимоий табақаланишнинг олдини олади, масъулият, тартиб-интизомга хизмат қилади, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Ахборот хизмати масъул ходими Дилором Юсупова. — Бугунги кунда ҳар бир мактабда «Дарсликлар» бурчаги ташкил этилган бўлиб, уларда янги ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилаётган барча дарсликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Тошкент шаҳар ҳокимининг «Мактаб ўқувчиларини 2012/2013 ўқув йилида дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва қуроллари билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги 607-сонли қарорига мувофиқ, Халқ таълими бош бошқармаси, туман ҳокимликлари ва матбаа корхоналари ҳамкорлигида жорий йилнинг 1 августидан 1 сентябрга қадар пойтахтдаги 25 та умумтаълим мактаблари қрошида анъанавий «Мактаб бозорлари» фаолият олиб боради. Шунингдек, 1 августдан

1 октябргача бўлган даврда пойтахтимиздаги деҳқон, буюм ҳамда ихтисослаштирилган бозорларда мактаб бозори расталари ташкил этилиб, уларнинг ўқувчилар учун кийим-кечаклар, дарсликлар, ўқув-ёзув қуроллари билан етарли миқдорда таъминлашни кўзда тутилган.

Мамлакат аҳолисининг ижтимоий-сиёсий, бадий, энциклопедик, маълумотнома ва болалар адабиётлари бўлган эҳтиёжини имконияти доирасида қондириб келаётган «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Зоир Исажоновдан жорий ўқув йилида тавсия этилаётган дарсликларни чоп этиш ва ўқув-ёзув қуролларини ишлаб чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида шундай маълумот олдик: — Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги «Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 ноябрдаги «Республика истеъмол бозорини айрим мактаб буюмлари билан тўлдиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида нашриёт-матбаа ижодий уйи импорт маҳсулотлари ўрнини босадиган, жаҳон стандартларига жавоб берадиган халқ истеъмоли молларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Жумладан, ҳар йили «Мактаб бозорлари»га Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига ҳамда маънавиятимиз, кадрларимизга

мос улуг аждодларимиз суратлари билан безатилган сифатли ёзув дафтарлари ва дафтар маҳсулотлари ўз вақтида, арзон нархларда етказиб берилмоқда. 2012 йилнинг олти ойи мобайнида 20,3 млн. донга 12 варақли ёзув дафтари, 1 млн. дондан ортик 48 варақли умумий дафтар, 200 мингдан зиёд расм дафтари ва кундалик дафтар ишлаб чиқарилди. Ҳукумати-миз томонидан соҳага берилган афзалликлар туфайли корхонамизда ишлаб чиқарилаётган 12 варақли ёзув дафтари, расм дафтар, умумий ва кундалик дафтарларнинг улгуржи нархлари четдан келтирилаётган шу каби дафтарлар нархига нисбатан сезиларли даражада арзонлашмоқда. Ҳозирда «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи мактаб бозорларини болалар адабиёти, блокнотлар, оқ қоғоз материаллари, республика Халқ таълими вазирлиги буюртмаси билан нашр этилаётган умумтаълим мактаблари дарсликлари билан ҳам тўлдирилмоқда. Бу фаолият йил бўйи давом эттирилади.

Демак, матбаа корхоналари ички бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли, нархи мақбул бўлган ўқув-ёзув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаб, аҳолига хизмат кўрсатишга тайёр.

Шахнозахон КУДРАТХУЖАЕВА
СУРАТДА: шахримиздаги мактаб бозорлари ана шундай гавжум.

Козим Ўлмасов олган сурат



ОЗ-ОЗ ЎЎГАНИБ ДОМО БИЛУВ

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кўп касалликларнинг илдизи еб-ичишда. * * *

Аҳмоқ ўзини қийнаб яшайди. * * *

Кўчанинг овқати қорин тўйғазмас. * * *

Кимнинг юрагини ёғ босган, Кимнинг юраги доғ. * * *

Худонинг куни кўп, лекин баъзида бир лаҳзага зор бўласан. * * *

Бошинга ёмон кун тушганда яхши кунларингни эсла. * * *

Ўйлаб қараса, ҳамма ўз қилмишидан топган, ҳеч нима тасодиф эмас. * * *

Ўзига ишонмагани ҳеч нимага ишонтариб бўлмайди. * * *

Ўз фикри йўқ кишини хоҳлаган кўйга солса бўлади. * * *

Ҳамма ҳам кўриниб турган нарсани кўради. * * *

Ўзини бировдан кам билмасликнинг ўзи ҳаммадан камлик билдиради. * * *

Кимнинг ёлғони кимга ҳақиқатдир. * * *

Тор кўнгилдан ўтар душман йўқ. * * *

Борнинг боши баланд, Йўқнинг боши қуйи. * * *

Одамлар гапириб кетаверади — уларнинг ҳамма гапига ҳам ишонавериш керак эмас. * * *

Бировдан қизганган вақтим ҳеч қачон ўзимга ҳам буюрмаган. * * *

Бировнинг тақдирини бошқани ҳеч қачон қизиқтирмаган. * * *

Енгил йўл билан топилган бойлик вафо қилмайди. * * *

Кимнинг кимлигини сўзидан билиб олса бўлади. * * *

Баъзиларнинг тақдирини бошқалар сабабчи бўлишади. * * *

Ўз тақдирини ўзи ҳал қиладиганлар ниҳоятда кам. * * *

Ҳамма нарса ҳам унга қандай қарашинга боғлиқ. * * *

Кўпинча энг асосий нарса эсдан чиқиб қолади. * * *

Кўпчилик кўп нарсани билади. * * *

Умр қадрига умр ўтганидан кейин етасан. * * *

(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Хуррият 6-берк кўчаси, 17-а» уйда яшаган Бурхонхон Зухриддин тегишли бўлган уй режаси (кадастр ҳужжати) йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат авиация институти томонидан 2006 йил 25 июлда Якубов Элёр Алимджанович номига берилган 194-ДН рўйхат рақами В № 280264 сонли бакалавр дипломи иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 7 август куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёнгириқлик бўлмайди. Шарқдан секунди-га 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 36-38 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра 7 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратди, тағмиқдори паст бўлади.



ИҚТИДОРЛИ ФОТОИЖОДКОРНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси, Рассомлар ижодий бирлашмаси ва Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида доимий равишда ўтказиб келинаётган хилма-хил кўргазмалар янгидан-янги иқтидорли ижодкорларни кашф этиш билан бирга улар яратган асарларнинг ўзига хос кўригига ҳам айланмоқда. Яқинда ижодий ҳамкорлар яна бир шундай тадбирни мухлисларга тақдим этишди.

Тошкент Фотосуратлар уйида фотоиждокор Михаил Левковичнинг 65 йиллигига бағишланган шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. «Мен ҳаммиша суратга олишни хоҳлардим» мавзудаги мазкур кўргазмада хаваскор сураткашнинг 113 та ижодий иши намоиш этилди.

1947 йилда туғилган бу тажрибали сураткаш учун аслида фото — эркин ижодий иш. Физик илмий ходим Михаил Левкович кўп йиллардан буён Молекулалар қурилиши ва Ўзбекистонда ўсадиган гиёҳлардан дори воситалари тайёрлаш йўллари билан шуғулланади. Аммо асосий соҳасидан ташқари ўзи ёқтирган иш — кўз ўнгига рўй бераётган бахтли лаҳзаларни суратларга муҳрлашга ҳам вақт топади.

Михаил Левковичнинг бу галги шахсий кўргазмасида мухлислар унинг ижодидан ўрин олган бир-бирини такрорламайдиган, ранг-баранг ва ўзига хос турли фотосуратлар билан танишдилар. «Шаҳар», «Гуллар», «Аёллар регбиси», «Муסיқа сеҳри», «Юрганларим тушларимга киради» каби суратлар туркумида тақдим этилган бу асарлар ўзининг ҳаётийлиги ва нафислиги билан ҳар доимгидай иштирокчиларнинг меҳрини қозонди.

Михаил Левковичнинг ижодий ишларида нозик диди ва юқори маҳорати сезилиб туради. Шу билан биргалликда уларда муаллифнинг ўз ижодий кийёфаси ҳам мавжуд. Қобилиятли сураткаш ўз асарларида ижодкорларга хос турли мавзуларга эътибор қаратади. Юксак маҳорат билан олинган суратлар ўз олдига шов-шув кўтариб, томошабинни ҳайратга солишни мақсад қилиб қўйган фотожурналистикадан ҳам ажралиб туради. Михаил Левкович ҳатто ўзининг ижтимоий йўналишдаги ижодий ишларида ҳам масалага шу қадар чуқур ёндошиб ўз қарашларини ифода эта олган. Бу эса томошабинга кўргазмадан ўрин олган ҳар бир асар ўзича талқин қилиши учун имконият яратди. Суратларида уфуриб турган самимий, инсонийлик руҳи кўргазма катнашчиларини асло бефарқ қолдирмайди. Бундай моҳирона ёндошув айниқса, фотоиждокорнинг «Киёфалар» театрига бағишланган «Портретлар» ва «Юрганларим тушларимга киради» туркумидаги ижодий ишларида ўзининг тўла ифодасини топган.

Кўргазма Тошкент Фотосуратлар уйида 14 августга давом этади.
Гўзал АҲМАДАЛИЕВА
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа
Алексей Попов олган сурат

Спорт янгиликлари

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ САМАРҚАНДАДА ЎТАДИ

Маълумки, 3-17 ноябрь кунлари БААда ёшлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Ўн тўққиз ёшли чарм тўп усталари иштирокида ташкиллаштирилаётган ушбу турнирда Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Осиё чемпионатида совринли ўринлардан бирини эгаллашни ният қилган мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси аъзолари ўқув-ийгин машғулотларида иштирок этишмоқда. Албатта, нуфузли турнирда зафарга эришиш учун назорат-ўртоқлик учрашувлари уюштириш мақсадага мувофиқ, Ана шу мақсадда Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан 12-15 август кунлари Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг эронлик тенгқурлари билан назорат-ўртоқлик баҳслари ўтказиладиган бўлди. Эрон ёшлар терма жамоаси билан уюштирилаётган иккита ўртоқлик учрашуви Самарқандда бўлиб ўтади.

Шуниси эътиборлики, 2-8 сентябрь кунлари Вьетнамда ёшлар ўртасида халқаро турнир ташкил этилади. Аҳмаджон Мусаев шоғирдлари ушбу турнирда ўз омадларини синаб кўришади. Ёшлар терма жамоаси сўнгги ўқув-ийгин машғулотино октябрь ойида Саудия Арабистонида ўтказишни режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ўқув-ийгин машғулотлари Осиё чемпионати олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Ёнгиларнинг асосий сабаблари оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш, маст ҳолда ётган жойида тамаки чекиш, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларни уйда ёлғиз ва қаровсиз қолдириш, чиқинди ва хазонларни ёқиш, газ ва электр асбобларидан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасликлари.

Бундан ташқари ёнгиларни ўчиришда айрим фуқаролар ўзлари билмаган ҳолда ёнги хавфсизлиги ходимларига ҳалал бермоқдалар, жумладан, улар ўзларига тегишли автоуловларни хоҳлаган жойларига қўйиб, йўлларни тўсадилар, ўтиш жойларига ноқонуний равишда ўзбошимчалик билан ҳар хил ҳужраҳона, омиборхона ва гаражлар қуриб олмақдалар. Бу эса ўз навбатида ёнги учирлиш автоуловларининг фалокат содир бўлган жойга ўз вақтида етиб боришига тўсқинлик қилмоқда.

Ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари нохуш

«101»

ЛОҚАЙДЛИК ФАЛОКАТГА ЕТАКЛАЙДИ

ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла-ларда фуқаролар, талаба-ёшлар ҳамда мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бормоқдалар. Ёнги-ларнинг олдини олиш учун нималар қилиш кераклигини, ўт билан ўйнашининг ёмон, хавфли оқибатлари-

ни, пиротехника воситаларини ўйнаш оқибатида содир бўлаётган ходисалар, тан жароҳати олиш ва натижада ота-оналар ҳамда ўзлари азият чекишларини, ёнги хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш лозимлигини уқтириб келмоқдалар.

А.САЙДАХМЕДОВ,
32-ХЕҲҚ бошлиги
ўринбосари, капитан

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 841

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-85 факс. (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 4970 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари буича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ